

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

ХАМРАЕВА КАМОЛА АЛИШЕРОВНА

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОЛИЙ ХОКИМИЯТ
ОРГАНИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ. (2000-2012)**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. А.А.Ерметов

ТОШКЕНТ - 2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....3-8

**I БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШГА
ҚАДАР ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ-
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (1917-1990 ЙИЛЛАР).....9-26**

**1.1. 1917-1924 йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг
шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари.....9-21**

**1.2. Совет даврида Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият
органининг ташкил этилиши ва ривожланишининг тарихий-
назарий асослари (1924-1990 йиллар).....22-26**

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ – ОЛИЙ
МАЖЛИСНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ.....27-44**

**2.1. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши жараёнида мустақил
парламент институти – Олий Мажлисни ташкил этишнинг
тарихий зарурияти (1990-2002 йиллар).....27-37**

**2.2. Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш ва давлат
ҳокимиятини ислоҳ этиш жараёнида икки палатали
парламентни шакллантиришнинг тарихий аҳамияти (2002-2013
йиллар).....38-44**

ХУЛОСА.....45-48

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....49-52

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришиб ўз давлат ҳокимияти тизimini шакллантириш имкониятига эга бўлиши билан бир қаторда ўз тақдирини ўзи белгилаш, жаҳон сиёсий тизимида ўз сўзини эркин билдириш ҳуқуқига эга бўлди. Шу билан бир қаторда тарихимизни янги қирраларини ўрганиш, совет даврида социалистик манфаатлардан келиб чиқиб шакллантирилган тарихимизни янги нигоҳ билан кўриб чиқиш, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш ҳуқуқини кўлга киритдик. Бу борада Юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак. Биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим”¹.

Ушбу паллада мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи, парламентимиз – Олий Мажлиснинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари билан боғлиқ масалаларни тарихий нуқтаи назардан илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро мамлакатимизнинг ўтган йигирма бир йиллик мустақиллик ва тараққиёт йўлида ҳуқуқий асосларни яратувчи ва халқ вакиллигининг институти сифатида парламентимиз ўзига хос ўринни эгаллади ва чин маънода профессионал парламентга айланди. Давлатимиз президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятига, унинг бугунги кунда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб бораётган фаолиятига юксак баҳо бериб, шундай деган эди: “Мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль. Т.: Ўзбекистон, 1996.

ва маданий ҳаётда, янгилашиш жараёнида, ислохотларига қонуний асос барпо этиш ва уларни изчиллик билан давом эттиришда, барча самарали ишларимизда Олий Мажлиснинг бош-қош бўлиб турганини биз бугун катта мамнуният билан қайд этамиз”.¹

Бироқ жамият тараққиёти бир жойда тўхтаб қолмагани каби Президентимизнинг таъбири билан айтганда “Ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир”.

Хусусан охириги йилларда парламент ислохотларининг ўтказилиш натижасида мамлакатимизда икки палатали парламентнинг қарор топиши юқоридаги фикрларни исботлайди. Шу ўринда икки палатали парламентни барпо этишдан кўзланган мақсад тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида шундай деган эди; ”Икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад; биринчи-парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш: иккинчи- Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш: учинчи- Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш: тўртинчи- аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш. Айнан шу мақсад юқори палата –Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам мужассам. Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни

¹ Каримов И.А. Ватан озодлиги — олий саодат: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза. — Т.: Ўзбекистон .1999. 8 — б.

кўзлайдиган “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилни ўзида ифода этади.”¹ Икки палатали парламент тизимига ўтиш мамлакатимиз учун янги ҳуқуқий-сиёсий институт – Қонунчилик палатаси ва юқори палата – Сенатдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантиришга имкон берди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаб ўтиш мумкинки, айнан мамлакатимизда ташкил этилган икки палатали парламент тизими, шунингдек шу парламентнинг қуйи палатаси бўлмиш Қонунчилик палатаси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, Қонунчилик палатасининг фаолияти, уни шакллантириш, унинг мақоми билан боғлиқ масалалар бугунги кунда тадқиқот объекти сифатида катта илмий қизиқиш уйғотади. Айниқса Қонунчилик палатасининг бугунги кунда профессионал парламент палатаси сифатида доимий иш олиб бориши бу борадаги фикримизни яна бир бор исботлайди.

Шу боис биз илмий тадқиқот иши мавзусини танлаш ҳамда унинг устида иш олиб бориш жараёнида Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг тарихий илдизлари, унинг илк кўринишлари, унинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши босқичларини тадқиқ этишга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, совет даврида фаолият кўрсатган вакиллик муассасасининг фаолиятини ҳаққоний тарихий жараёнлар асосида ҳолисона танқидий таҳлил этилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Малакавий битирув ишининг мавзусига тегишли адабиётларни икки даврга ажратиш мумкин: биринчиси – XX асрнинг 20-80 йилларида яратилган адабиётлар, иккинчиси – Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин нашр этилган тадқиқотлар.

Совет даврида нашр этилган адабиётларда¹ ўрганилаётган мавзуга

¹ Ишанов А. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). – Т.: Изд. АН УзССР. 1955; Султанов С. Верховный Совет Узбекской ССР. – Т.: Госиздат УзССР. 1959; Хакимов М.Х. Серий Я. М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. – Т.: Узбекистан. 1964; Нуруллин Р. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной контрреволюции и гражданской войны. – Т.: Наука, 1965; Хакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. — Т.: Наука. 1965; Погорельский И. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики (1917-1924 гг.). – Л.: Изд.

тегишли маълумотлар, жумладан уларда совет давлат бошқарувига, партия ва совет ташкилотларининг фаолиятига оид маълумотлар учрайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг, тарихни ҳаққоний ва холис ёзишга киришилди. Мустақиллик йилларида тадқиқотчилар томонидан янгича методологик ёзилган адабиётлар¹ ва тадқиқотларда² мавзуга оид кўплаб маълумотлар келтирилган. Шунингдек, битирув малакавий ишини ёзишда хорижда жумладан, Россия Федерациясида нашр этилган айрим адабиётлардан³ ҳам фойдаланилди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Ўзбекистонда олий қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишнинг тарихий–назарий асосларини замонавий талаблардан келиб чиқиб, миллий ғоя ва янгича қарашлар асосида ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар илгари сурилди:

- Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши ва ривожланишини тизимлаштириш орқали уларни маълум бир босқичлар доирасида ўрганиш;
- совет даврида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳақиқий парламент институти мазмунидан анча йироқ эканлиги, фақат мустақиллик

ЛГУ, 1984 ва б.

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. –Т.: Маънавият, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. –Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Науч. ред. Р.Я.Раджапова. –Т., 2000; Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй). –Т., 2002; Одилқориев Х.Т., Тультеев И. Икки палатали парламент Т. ИИВ Академияси 2005; Парламентаризм хорижий мамлакатлар тажрибаси. Р.Алимовнинг таҳрири остида. –Т.: Шарқ 2005; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2007; Ерметов А. Туркистон АССРда совет давлат бошқарувининг ўрнатилиши ва мустақамланишида милиция органларининг ўрни (1917-1924 йиллар). –Т., 2010; Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йиллар). –Т., 2011; Хайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти. –Т., 2012 ва б.

² Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. –Т., 1998; Хайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1998; Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар) Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 2006; Расулова Н. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши: муаммо ва ечимлар (1991-2008 йиллар) тарих фанлари номзодини олиш учун дисс... автореферати. –Т., 2008 ва б.

³ Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. Учебное пособие. –М.: Инфра-Форум 2000; Булаков О.Н. Парламентское право. Под ред. д.ю.н., проф. Ю.А.Дмитриева – М.: Юриспруденция, 2002; Могунова М.А. Скандинавский парламентаризм. Теория и практика. – М.: Российск. Гос. гуманит.ун-т., 2001; Любимов А.П. Парламентское право России. – М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002 и др.

шароитидагина ҳақиқий парламентаризмнинг шаклланишини тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда мустақиллик йилларида парламентаризмнинг ривожланишининг асосий босқичларини тарихий ёндашув асосида тадқиқ этиш;
- Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида илмий-назарий хулосалар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг даврий чегараси 1917-2012 йилларни ўз ичига олади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ривожланишини ушбу давр оралиғида яна 4 босқичга бўлиб ўрганилди ва ҳар бир босқичдаги тарихий воқеликлар таҳлил этилди. Охирги бобда эса мустақиллик давридаги ҳуқуқий ислохотлар даврида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ривожланиши масалалари тадқиқ этилди.

Ишнинг манбавий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси парламенти Олий Мажлиснинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис қарорлари хизмат қилди. Хусусан ишда Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Олий Мажлис Сенати тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг объекти - Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ривожланиш билан боғлиқ тарихий жараёнлар.

Тадқиқот ишининг назарий-услубий асоси. Малакавий битирув ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафқурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Айни пайтда ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмий билишнинг холислик,

тарихийлик, тизимлилик таъйинларига амал қилинди.

Малакавий битирув ишининг тузилиши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШГА ҚАДАР ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (1917-1924 ЙИЛЛАР)

1.1. 1917-1924 йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари

Вакиллик органлари барча ривожланган мамлакатларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ўрин тутди. Чунки тўғридан-тўғри, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан ташкил этилиши туфайли аҳоли манфаатларини кўзлаб иш юритади ва унинг номидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Вакиллик институти ўз-ўзини бошқариш демократия мактабининг ривожланиши жараёнида вужудга келган. Сохибқирон Амир Темури даврида ҳар ишни Кенгашган ҳолда ҳал этганлигини ёзган. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасида ўз миллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ривожлантиришда ота-боболаримизнинг қолдирган давлатчилик тажрибаларига суяниш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи олий ҳокимият органининг тарихий шаклланиши ва ривожланиши масалаларини тадқиқ этиш жараёнида битта муҳим ҳолат мутлақо аён бўлдики, Ўзбекистон қонун чиқарувчи ҳокимиятининг шаклланиши тарихини совет давлати парчаланиб кетиши муносабати билан кўпгина тарихий фактлар ва ҳодисалар қайта кўриб чиқиши ва қайта баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил этмасдан ва уни билмасдан, Ўзбекистоннинг совет даврида қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатини бажарган давлат органининг моҳияти ва ролини танқидий мушоҳада этмасдан туриб, ана шу ҳокимият органи фаолияти бутун механизмнинг ҳолисона манзарасини тасаввур этиш мумкин эмас. Мазкур ҳолат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи шаклланиши манбаларига тарихий назар ташлаш жиҳатидангина эмас, балки Олий Мажлис — мустақил Ўзбекистоннинг мутлақо янги қонун чиқарувчи олий органи эканлиги хусусида илмий хулосалар ва фикрларни шакллантиришнинг асоси сифатида ҳам муҳимдир. "Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун

бизга собиқ Иттифокдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир қарра эслашимиз зарур", - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.¹

Бошқача айтганда, тарихни билиш биз учун амалий эҳтиёждир. Россиялик олим В.О.Ключевский айтганидек, "ўтмишни билиш, у ўтиб кетгани учун эмас, балки ўтиб кетар экан, ўз оқибатларини тозалаб кетолмагани учун зарурдир".² Негаки, фақат тегишли тарихий контекстда миллий давлатчилик назарияси ва амалиёти шаклланиши ҳамда ривожланишини, мазмуни, маъноси ва аҳамиятини тушуниб етиш мумкин.

Айтиб ўтилган тажрибани ўрганиш уни баҳолашга янгича ёндашувлар орқали амалга оширилмоғи лозим. "Босиб ўтилган йўлимизга ҳолисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан идрок этиб баҳолаш зарур".³ Россиялик тадқиқотчи В.А.Ржевский таъкидлаганидек, собиқ Иттифокнинг тарихи бир текис эмас⁴. Миллатлараро ривожланишдаги умумий мойиллик сифатида бирлашишга бўлган табиий интилиш билан бир вақтда ҳудудларнинг босиб олинишидан ва айрим халқларнинг "қардош республикалар" сафига кириши нисбати остида улар бостириб кириб қўшиб олинганлигидан далолат берувчи талай қарам-қарши тарихий ҳодисалар ҳам бўлган. Бирлашишнинг ўзи ҳам асрлар давомида таркиб топган империячилик онгини кўп жиҳатдан акс эттирар эди. Бироқ тарих бу бизнинг халқимиз ўтмиши бўлганлиги боис ундан воз кеча олмаймиз. Тарихни ўрганиш, унда юз берган воқеликларни чуқур таҳлил қилиш асосида йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни келажакда йўл қўймасликка ҳаракат қилишимиз боис. Шу боис биз собиқ тоталитар тузум шароитида қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи фаолиятини танқидий баҳолаш асосда ўзимиз учун ижобий хулосаларни чиқаришимиз лозим деб ҳисоблаймиз.

Аввало шунга изоҳ бериб ўтиш керакки, совет даврида Ўзбекистонда қонун

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: биринчи қадам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги 1999 йил 14 апрелдаги маъруза. — Т.: Ўзбекистон. 1999. 5-6.

² Парламенты мира: Сб.— М.: Интерпракс. 1991. 580-6.

³ Каримов И.А. Ёнлан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 293-6.

⁴ Ржевский В.А. О юридической природе форм нового содружества независимых государств. // Государство и право. 1992. № 6. 27-6.

чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини биз фақат юқорида кўрсатиб ўтилган мулоҳазалар тақозоси туфайли қараб чиқамиз. Ваҳолонки, айрим тадқиқотчилар яқин вақтларгача совет давридаги давлат ҳокимияти органларининг тарихи Ўзбекистонда янги давлатчиликнинг пойдевори бўлиши мумкин деб ҳисоблар эдилар. Масалан, С.А.Султоновнинг ёзишича, "Бундай ҳилдаги муаммоларни системали таҳлил этиш давлат қурилиши назарияси ва амалиёти учун чинакам фундаментал аҳамиятга моликдир".¹

Шуни таъкидлаш зарурки, бизнинг малакавий битирув ишимизнинг ушбу қисмида Ўзбекистон қонун чиқарувчи органининг совет давридаги фаолияти ва моҳияти аввало адабиётлар ва тарихий манбалар негизида танқидий таҳлил этилади ва қайта мушоҳада қилинади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиздир: "Ҳеч кимга сир эмас собиқ иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгидланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган куч қудрати тобора юксалиб бораётган замонавий кўптармоқли иқтисодиётга эга бўлган ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин".²

Совет давлатчилигининг тарихий ривожланиш анъаналарига мурожаат этганимизда, одатда ҳисобни 1917 йил октябридан бошланади. Маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қонун чиқарувчи органнинг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳам 1917 йилдан, Россияда октябрь тўнтариши амалга оширилиб, аввал Туркистон АССР³, сўнгра Ўзбекистон

¹ Султонов С.А. Органы государственной власти Республики Узбекистан. Становление к основные этапы развития (1917 — 1937 г.г.): Автореф. дис. докт. юрнд наук — Т.: 1994. 3-б.

² Каримов И.А. "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиздир". Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т.: Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабр.

³ Ўзбек халқи давлатчилигининг ривожланиши Ўзбекистон ССР тузилгунига қадар нафақат Туркистон АССР, балки Хоразм ва Бухоро Халқ Совет республикаларининг доирасида ҳам содир бўлган. 1920 йил феврида ва 1920 йил сентябрь ойида тузилган Хоразм ва Бухоро Халқ Совет республикалари мустақил давлат тузилмалари эди. Уларнинг РСФСР билан ўзаро ҳуқуқий муносабати 1920 йил 15 ноябрда тузилган шартнома билан белгиланар эди. Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. —Т., 2000; Васихова М. Законодательная деятельность Узбекской ССР. - Т.: Узбекистан.

СССР тузилганидан кейин бошланган. Шу сабабли, совет даврида Ўзбекистонда қонун чиқарувчи органнинг шаклланиш ва ривожланиш даврини айрим босқичларга ажратган ҳодда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, бу жараёни иккита босқичга ажратиш мумкин:

биринчи босқич - бу органнинг 1917-1924 йиллардаги ташкил топиши ва ривожланиши даври. Бу босқич Марказий Осиёда миллий-давлат чегараланиши амалга оширилиши билан ниҳоясига етди;

иккинчи босқич – 1924 - 1990-йиллардаги давр. Бу босқич Ўзбекистон халқи миллий мустақилликка эга бўлганидан кейин ниҳоясига етди. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг бундай босқичларга бўлиниши шу билан изоҳланадики, биринчи босқичда Туркистон АССР, шунингдек Хоразм ва Бухоро Халқ Совет республикаларининг, иккинчи босқичда — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши унинг мезони бўлди.

Туркистон АССР қонун чиқарувчи органлари шаклланишининг расман эътироф этилган жараёнига қадар, яъни у ташкил топган пайтга қадар ҳокимият вакиллик (қонун чиқарувчи) органларини тузиш йўлида турлича интилишлар бўлган. Туркистонда давлат ҳокимияти органларининг дастлабки куртаклари Россия Муваққат ҳукуматига ва унинг Туркистон қўмитасига мухолиф кучларнинг органлари тариқасида 1917 йил бошларида пайдо бўлган. Меньшевиклар ва эсерлар кўпчилиқни ташкил этган Советларнинг I Туркистон ўлка съезди (1917 йил 7—15 апрель) Ишчи ва солдат депутатлари Ўлка Советини сайлади¹. Албатта, Туркистон АССР қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг дастлабки кўринишларини юридик маънода тўлақонли дейиш қийин. Аммо шундай органларга хос бўлган айрим ваколатлар ўша даврлардаёқ намоён бўла бошлаганди. Чунончи, юқорида эслатиб ўтилган Советларнинг I Туркистон ўлка съездида Советларга ҳукумат маъмурлари устидан назорат қилиш вазифаларини бериш масаласи муҳокама

1973. 11-6.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй). –Т., 2002.

этилган.¹

Мустақиллик даврида тарихий ҳақиқатни ўрнатиш, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасида олиб борилган ишлар натижасида албатта вакиллик фаолиятини олиб боришга ҳаракат қилган юқоридаги тузилмаларнинг фаолияти асосан совет тузумини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги очиб берилди.

1917 йил бошларида Туркистон ўлкасида қонун чиқарувчи ҳокимият вазибаларига эга бўлган органларни ташкил этишга бўлган бошқа уриниш мусулмон Шўроларининг пайдо бўлиши эди. Мусулмон Шўролари туб аҳолини уюштиришнинг янги шакли, халқ ҳокимияти органларининг ибтидоси бўлди, маҳаллий аҳоли ўртасида катга обрў қозонди. Мусулмон Шўролари парламент шаклидаги давлат ҳокимиятини ўрнатишга интилган шўрои исломчиларнинг органлари эди. "Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий тузуми тўғрисида"ги резолюциянинг 2-бандида таъкидланишича, Туркистон федерацияси ички бошқаруви масалалари бўйича қонун чиқарувчи ҳокимият умумий, тўғри-дан-тўғри, яширин овоз бериладиган тенг сайлов ҳуқуқи асосида 5 йил муддатга, Туркистон ўлкасида яшовчи барча элатларнинг вакиллари албатта мутаносиб бўлган ҳолда сайланадиган Туркистон парламентида тегишлидир².

Бироқ маҳаллий аҳолининг манфаатларини ифодаловчи бу органнинг фаолияти совет даври адабиётларида танқидга учраган. "Ўзбекистон ССР тарихи"нинг муаллифлари бу ташкилотни миллатчи ва панисломистик деб атаб, шундай деб ёзадилар: "Улар (яъни "Шўрои Исломия" аъзолари — *муаллиф.*) ижтимоий ҳаёт ва турмушда "соф исломизм асослари ва тамойилларида" патриархал-феодал муносабатларни ҳамда хотин-қизларнинг қулларча аҳолини сақлаб қолишга ингилганлар".³ Бироқ барчамизга аёнки шундай даврдаги тарихий жараёнларда "Шўрои Исломия" аъзоларига айнан шундай бўхтон фикрлар мавжуд тузум учун зарур эди. Бироқ ҳақиқат шуки

¹ История Узбекской ССР. Т. 2. - Т.: Изд-во АН УзССР. 1957. 12 - 13-б.

² Туркестанский курьер. 1917. 11 ноябр.

³ История Узбекской ССР. Т. 2. - Т.: Изд-во АН УзССР. 1957. 13-б.

"Шўрои Исломия" аъзолари асосан юрт озодлиги, ватан мустақиллигини ёқлаб чиққан ҳаракат эди¹.

1918 йил бошларига келиб Туркистон ўлкаси ҳудудида, тўлиқ бўлмаган тарихий маълумотларга кўра, 65 та Шўро, шу жумладан 25 та — ишчи депутатлар Шўролари, 18 та — солдат депутатлари Шўролари, 2 та — солдат ва офицер депутатлари Шўролари, 8 та — ишчи ва солдат депутатлари Шўролари, 7 та — деҳқон депутатлари Шўролари, 5 та — ишчи депутатлари Шўролари ва мусулмон депутатлари Шўролари мавжуд эди.²

Туркистон АССР ташкил топгунга қадар пайдо бўлган вакиллик органларининг айрим кўринишларига таъриф беришни тугаллар эканмиз, яна бир бор шунга эътибор қаратиш зарурки, бу органлар (амалиётда шундай хато фикр қарор топганига қарамай) расмий равишда вакиллик ёки қонунчилик ваколатларига эга бўлмаганлар.

Советлар ҳокимияти даврида турлича даражаларда тузилган, "халқнинг вакиллик органлари" деб бағоят мақталган советлар дастлаб маҳаллий бошқарув органлари бўлган эди. Советларнинг марказий органлари ҳам халқнинг айрим вакиллари жалб этилган ҳолда фаолият кўрсатувчи бошқарув органлари эди. Советларнинг ҳуқуқий мақомига қарамай, бу органлар давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи ҳисобланмасди. Давлат ҳокимияти бошқа тармоғига Советларнинг қарамлигини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. Маълумки, Туркистон АССРда ижро этувчи ҳокимият амалда Советлардан — қонун чиқарувчи ҳокимиятдан устун турган Халқ Комиссарлари Советига³ тегишли эди. Жумладан, 1918 йил 9 сентябрда Туркистон АССР ХКС мусулмон депутатлари Советларини туман Советларига айлантириш тўғрисида махсус буйруқ чиқарган бўлиб, унда таъкидланган эдики: "Совет Туркистонида, Ишчи-Деҳқон республикаси сифатида руслар ва мусулмонларга бўлиниш бўлиши мумкин эмас, шу боис

¹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Науч. ред. Р.Я.Раджапова. — Т., 2000. —С. 24

² Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917 - 1937 гг.). - Т.: Изд-во АН УзССР. 1957. 52-6.

³ Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти. —Т., 2012. —Б. 42..

ушбу буйруқ билан барча мавжуд мусулмон депутатлари Советлари (Муссовдеплар) туман Совдепларига — "Райсовдепларга", уларнинг ижроқўмлари эса — Райижроқўмларга айлантирилади.¹ Туркистон автоном республикасида тузилган олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органлар бу ўлкада яшовчи маҳаллий миллатлар учун бу вазифаларни бажармаганлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Бу органларни Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг маҳаллий таркибий бўлинмалари деб аташ мумкин. Советлар III ўлка съездининг ҳужжатлари маҳаллий аҳоли "вакиллик органларининг" фаолиятида иштирок этишдан атайин четлаштирилганлигидан далолат беради. Советларнинг III ўлка съездида қабул қилинган большевиклар декларациясида ёзиб қўйилган эдики, "ҳозирги вақтда маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари ҳокимиятига муносабати тўла ноаниқлиги сабабли ҳам, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари йўқлиги сабабли ҳам мусулмонларни олий ўлка инқилобий ҳокимият органларига жалб этиш номақбулдир".² Бу камситувчи қоида Советларнинг IV ўлка съезди томонидан ҳам маъқулланган эди.

Туркистон ўлкаси ҳудудидаги дастлабки Советлар мустамлакачиларнинг органлари бўлганлиги яна шу факт билан тасдиқланадики, Советларнинг III ўлка съездида 104 нафар делегатдан бор-йўғи учтаделегат маҳаллий миллат вакиллари эди. Советларнинг III ўлка съездида тузилган Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг таркибида битта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди.

Маҳаллий миллат вакилларининг Россия марказий органларидан кўрсатма йўқлигига қарамай, миллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этишга интилиши Советлар ҳокимиятига қарши амалга оширилаётган "буржуа миллатчиларининг" ҳаракати сифатида баҳоланар эди. Бу ҳақда совет адабиётларида бундай дейилган; "1917 йил 27 ноябрда Кўконда "Шўрои исломия", "Уламо" ва "Алаш-орда" партияларига бирлашган ўзбек, қозоқ,

¹ Хакимов М.Х.; Серий Я. М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. — Т.: Узбекистан. 1964. 107-6.

² История советского государства и права Узбекистана. Т. 1. — Т.; Изд-во АН УзССР. 1960. 10-6.;

тожик ва қирғиз буржуа миллатчиларининг Ўлка мусулмон съезди очилди. Иккинчи масала юзасидан буржуа миллатчиларининг съезди Совет ҳукумати томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан ўзининг синфий манфаатлари йўлида фойдаланди. "Мухторият" шиорини ниқоб қилиб олиб, съезд Туркистонни "худудий мухторият" деб эълон қилди. 54 нафар кишидан иборат таркибда қонун чиқарувчи орган — "Туркистон Муваққат Совети" тузилиб, унда учдан бир ўринни рус буржуазияси вакиллари олдилар. Туркистон "мухтор" ҳукуматига Муҳаммаджон Тинишбоев бошчилик қилди, етакчилик кўп ўтмай шўро-исломиячи Мустафо Чўқоевга ўтди". Адабиётларда яна таъкидланадики, съездда таклиф этилган "Қўқон мухторияти" миллатчи аксилинқиловчилар ҳокимиятини таъминлаши лозим бўлган ва Советлар ҳокимиятига қарши қаратилган буржуа мухторияти эди, "Қўқон мухтор ҳукумати"ни фақат ўлканинг халққа қарши унсурлари тан олган ва қўллаб-қувватлаган эди.¹ Бироқ бу ҳаракатлар халқнинг мустақилликка бўлган ҳаракати, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, ўзининг олий қонун чиқарувчи ҳокимият органини тузиш орқали ўз тақдирини-ўзи ҳал қилишга қаратилган ҳаракат эди².

Манбалар шундан далолат берадики, Туркистонда асосан 1918 йилнинг биринчи ярмида совет давлат аппарати асосан таркиб топган³. Марказда ва жойларда ҳокимият Советларга қарашли бўлган. Туркистонда давлат ҳокимияти органларининг шаклланиши тарихи тўғрисида профессор М.Ҳакимов шундай деб ёзган эди: "1918 йил бошларига келиб Туркистоннинг барча шаҳарларида янги давлат аппарати таркиб топди. Бу даврга келиб қуролли қўзғолон органларидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига айланган Советлар унинг асосий бўғини бўлди".⁴

ТАССР тузилган пайтга келиб, таркибига ТАССР ҳам кирган Россия

¹ Халилов Э.Ҳ. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи-сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга кадар. Т.Ўзбекистон.2001. 27-б

² Бу ҳақда батафсил қаранг. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. —Т.: Маънавият, 2000.

³ Ерметов А. Туркистон АССРда совет давлат бошқарувининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланишида милиция органларининг ўрни (1917-1924 йиллар). —Т., 2010. 8-б.

⁴ Ҳакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. — Т.: Наука. 1965. 49-б.

Федерациясида давлат ҳокимият органларининг мақоми маълум даражада аниқлашган бўлишига қарамай, Туркистон Республикасида ҳокимият институтларининг ҳуқуқий ҳолати ҳали унча равшан эмасди. Чунончи, айрим муаллифлар ишчи ва солдат депутатлари Советларининг III ўлка съезди резолюциясига асосланиб, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети деб номланган ишчи, солдат ва деҳқон депутатларнинг Ўлка Совети ўлка ҳокимиятининг олий органи ҳисобланар, у ишчи, солдат ва деҳқон депутатлар Советларининг съезди олдида, шунингдек съезд таркибига кирувчи мусулмон, пролетар-меҳнат ташкилотларнинг Совети олдида жавобгар эди.

Янги ташкил топган Хоразм Халқ Социалистик Республикасида ҳам шундай бўлди. ХХСРнинг 1920 йилги Конституциясига мувофиқ, марказда ва жойларда бутун ҳокимият меҳнаткаш халқ Советлари қўлида эди. Советларнинг I Бутун Хоразм таъсис съездида сайланган, кенг ваколатлар берилган Халқ Нозирлар Кенгаши нафақат ижро этувчи ва идора қилувчи, балки қонун чиқарувчи ҳокимиятни ҳам амалга ошириши белгилаб қўйилган эди.¹

Бухоро Халқ Социалистик Республикасининг 1921 йилги Конституциясига мувофиқ, БХСРда олий давлат ҳокимияти "марказда ҳам, жойларда ҳам тўлалигича ва бўлинмас ҳолда Бутун Бухоро қурул-тойига — халқ депутатлари Советларининг Бутун Бухоро съездига тегишли бўлиб (5-банд), у БХСР давлат бошқаруви олий органи ва бутун олий ҳокимиятининг ифодачиси ҳисобланган" (15-банд). Советларнинг Бутун Бухоро съездлари томонидан 85 аъзодан иборат таркибда сайланадиган Советлар съездининг Марказий Ижроия Комитети (Бутун Бухоро МИК) съездлар оралиғида БХСР давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиб, мамлакатдаги олий ҳокимият унинг қўлига ўтган².

Советларнинг V съездида "Туркистон Совет Федератив Республикаси

¹ Халилов Э.Х. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи-сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризгача қадар. Т.: Ўзбекистон. 2001. 28-б

² Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920 - 1924гг-). - Т.: Изд-во АН УзССР. 1955; ўша муаллиф: Бухарская Народная Советская Республика. — Т.: Узбекистан. 1969; ўша муаллиф: Первые народно-демократические государства на Советском Востоке. // Советское государство и право. 1981. № 9. 87-95-б;

тўғрисида Низом"¹ қабул қилинганлиги муносабати билан ТАССР давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳуқуқий ҳолатида ўзгаришлар содир бўлиб, жумладан Низомда қуйидагилар кўрсатиб ўтилган эди:

1. Ишчи, солдат, деҳқон ва мусулмон-деҳқон депутатлари Советларининг декабрь ойининг дастлабки кунларида чақириладиган съезди Туркистон Автоном Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи ҳисобланади.

2. Туркистон ўлкаси Советлариинг 36 кишидан иборат таркибда съезд томонидан сайланган Марказий Ижроия Комитети доимий қонун чиқарувчи олий орган ҳисобланади.

3. Съезд томонидан 16 кишидан иборат таркибда сайланган Халқ Комиссарлари Совети қўлида ижро этиш ва ўлкани бошқариш вазифалари жамланади".

Низомга мувофиқ, Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети биргаликда Туркистон Республикаси Ҳукумати ташкил этганлар. Бунда МИК "бошқарувнинг қонун чиқарувчи олий органи", Халқ Комиссарлари Совети эса "ҳукуматнинг ижро этувчи органи" сифатида белгиланган эди. Бироқ МИК тасарруфига нималар ва ХКС ваҳолатига нималар кириши аниқланмаган эди. Туркистон олий давлат органларининг мазкур Низомда белгиланган ҳуқуқий ҳолатига М.Ҳ.Ҳакимов томонидан ҳам берилган бўлиб, унинг фикрича, Советлар V съездининг делегатларида давлат ҳокимиятининг олий органини олий ижро этувчи - идора қилувчи органдан, яъни ҳукуматдан фарқлаш тўғрисида ҳали аниқ тасаввур йўқ эди².

1918 йил 17 майда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети мажлисида доимий қонун чиқарувчи олий орган - МИКнинг номи ва унинг иш хусусияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилган. МИК Раёсати номидан ишчи, солдат, деҳқон ва мусулмон-деҳқон депутат-лари Советининг Марказий Ижроия Комитетини "Россия Совет Федерациясининг

¹ Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти. –Т., 2012. 53-б.

² Ҳакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. — Т.: Наука. 1965. 49-с.

Туркистон Республикаси Марказий Комитети" деб аташ таклифи киритилган. Эсер Кримовнинг МИКни "Туркистон парламенти" деб аташ тўғрисидаги таклифи рад қилинган.¹

Бир сўз билан айтганда Париж Коммунаси сингари, Советлар ўз табиатига кўра буржуа мафкурачиларининг ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши тўғрисидаги ғояларни рад этишган. Коммуна сингари Советлар ҳам парламентар эмас, балки ишловчи корпорация эди, яъни қонун чиқарувчи, қонунларни ижро этувчи ва ўзлари қабул қилган қонунларни тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат қилувчи эди.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, Туркистон Республикасида расман белгиланган қонун чиқарувчи олий орган парламент билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган. Шунга қарамай, Туркистон МИК тузилгач, ХКСнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарди. Илгари Туркистон ХКС Советлар съезидан кейин ўлкада ҳокимиятнинг ягона олий органи эди. Туркистон МИК, яъни Туркистон Совет Республикасининг Советлар съездлари оралиғидаги қонун чиқарувчи олий органи ташкил топиши муносабати билан ХКС тасарруфида ҳокимиятнинг ижро этувчи органи вазифалари сақланиб қолди. Ваҳолонки, Советлар съезди ва Туркистон МИК ягона олий қонун чиқарувчи, ХКС эса — ижро этувчи орган эмасди¹.

Бироқ ҳокимиятнинг олий давлат органлари ваколатидаги бундай ноаниқлик узоқ вақт сақланиб қолгани йўқ. Кўп ўтмай, бу ишда "тартиб" ўрнатилди. Воқеаларнинг табиий ривожини бу органларнинг вазифалари тартибга тушишига олиб келади деб ҳисоблаш соддалик бўлур эди. Афсуски, бундай бўлмади. Бунинг устига ТАССРдаги ҳокимиятларнинг мўрт тизими РСФСР марказий ҳокимият органларининг кучли қўли билан иккинчи ўринга улоқтириб ташланди. Чунончи, 1919 йил 29 сентябрда РКП (б) МК Ташкилий бюроси "Туркистон комиссиясининг партия иши ва совет қурилиши соҳасидаги ҳуқуқлари тўғрисида"ги резолюциясининг лойиҳасини тасдиқлади, унга кўра Турккомиссия "партия МК ва Халқ Комиссарлари Совети номидан

¹ Халилов Э.Х. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи-сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: Ўзбекистон, 2001. 27-б

умумий вакиллик" органи деб эътироф этилди".¹

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, янгича бошқарув тизимини ўзида ифода этган бошқарув аппарати юзага келди. Мавзуга тегишли адабиёт ва ҳужжатларни ўрганиш Туркистон АССР, Бухоро ХСР, Хоразм ХСР вужудга келган ва мавжуд бўлган даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қуйидаги хусусиятлар хос эди деб ҳисоблашимиз учун асос беради:

- а) ҳокимият турли тармоқлари ваколатларининг аниқ чегараланмаганлиги;
- б) қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажариши лозим бўлган давлат ҳокимияти органларида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг асосий хусусиятлари йўқлиги;
- в) ўзларига хос бўлмаган ваколатларни бажарганлиги;
- г) қонун чиқарувчи ҳокимият вазифаларини бир неча давлат органлари бажаришга интиланлиги. Хусусан, Бутун Россия МИК ва ХКСдан ташқари амалда РСФСР халқ комиссарликлари ва бошқа идоралар ҳам қонунчилик билан шуғулланганлар, ваҳолонки Конституция уларга бундай ҳуқуқларни бермаган².

¹ Лукъянов А.И. Развитие законодательства о советских представительных органах власти: (Некоторые вопросы истории, теории и практики). — М.; Юрид. лит. 1978. 347-348-б.

² Портнов Б.П., Славин М.М. Становление и развитие конституционного законодательства Советской России 1917-1920 гг. — М.; Наука. 1987. 231-б.

1.2. Ўзбекистонда совет даврида қонун чиқарувчи ҳокимият органининг ташкил этилиши ва ривожланишининг тарихий-назарий асослари (1924-1991 йиллар)

Марказий Осиё республикаларида миллий-давлат чегараланиши ўтказилганлиги ва Ўзбекистон ССР ташкил этилганлиги муносабати билан Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари МИКнинг 1924 йил 18 ноябрдаги сессияларида ўз фаолиятларини тугатиш ва Ўзбекистон ҳудудида бутун ҳокимиятни тўлалигича ЎзССР Муваққат инқилобий комитетига¹ ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

ЎзССР Муваққат инқилобий комитетига ўша кундан бошлаб Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарувининг доимий органлари тузилгунга қадар муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати - республиканинг қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва ижро этувчи олий органи сифатида ташкил этилган. Революцион Комитет кўриб чиқилган ва ҳал этилган энг муҳим масалалар юзасидан декретлар ва қарорлар, жорий масалалар бўйича эса фармойишлар қабул қилган. Бу ҳужжатлар қонун кучига эга бўлиб, республиканинг бутун ҳудудида СССР МИК, ХКС ҳамда Меҳнат ва мудофаа кенгашининг декретлари, қарорлари ва фармойишлари билан бир қаторда ижро этилиши шарт бўлган.²

1925 йил 17 декабрда ЎзССР Советларининг I (Таъсис) съезди ўз Декларациясида Ўзбекистон ССР ташкил топганлигини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлади ва ЎзССРнинг олий ҳокимият органини сайлади. "Бундан буён Советларнинг кейинги съездида Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилингунга қадар Ўзбекистонда бутун ҳокимият тўлалигича ЎзССР Советларининг I съездида сайланган МИКга топширилади"³.

Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси Ўзбекистон ССР ташкил топган ва шаклланган даврда пайдо бўлган давлат ҳокимияти ва давлат

¹ Хайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти. –Т., 2012. 111-б.

² История советского государства и права Узбекистана. Т. 2 - Т.: Фан. 1963. 13-27-б.

³ Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. — Т.: Фан.1971. 90-б.

бошқаруви органларининг тизими ва таркибий тузилишини мустаҳкамлаб берди. 1927 йилги Конституцияга биноан Ўзбекистон ССР Советларининг съездлари, МИК, МИК Раёсати ва ХК.С Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи органлари эди. 1927 йилги Конституциянинг 24-моддасига мувофиқ ЎзССР Советларининг съезди Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқа рувинияг олий органи ҳисобланган ҳамда у Советларнинг округ ва туман съездларига 10000 аҳолидан битта делегат ҳисобидан, шаҳар Советларининг пленумларида 2000 сайловчидан битта делегат ҳисобидан сайланадиган делегатлардан таркиб топган.

Ўзбекистон ССР Советларининг съезди Марказий Ижроия Комитети томонидан икки йилда камида бир марта чақирилган. Ўзбекистон ССР Советларининг съезди Советларнинг Марказий Ижроия Комитетини сайлаган, у Советларнинг съездлари оралиғидаги даврда Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланган. Ўзбекистон ССР ваколати доирасидаги барча умум-давлат аҳамиятига молик масалалар Ўзбекистон ССР Советларининг съезди ва МИК тасарруфига кирган¹.

Марказий Ижроия Комитети сессиялари оралиғидаги даврда Советлар МИК Раёсати доимий ишлайдиган қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат этувчи орган бўлган².

1937 йилги ЎзССР Конституцияси 1936 йилги СССР Конституциясига тўла мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон ССРнинг сиёсий асоси сифатида Советларнинг ташкил топиши ва ривожланиши хусусиятларини акс этгарди. У республика давлат ҳокимиятининг янги ном олган ва янгича таркибий тузилишга эга бўлган олий органлари фаолиятининг янги тамойилларини жорий этди. 1927 йилги ЎзССР Конституциясида назарда тутилган давлат ҳокимияти олий органларининг учта бўғини (Советларнинг съезди, МИК ва унинг Раёсати) ўрнига 1937 йилги Конституция икки бўғинли таркибий тузилишни: Республика Олий Совети ва унинг Раёсатини белгилаб

¹ Ўзбекистон ССР 1927 йилги Конституциясининг 56-моддаси.

² Халилов Э.Х. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи-сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризг қадар. Т.Ўзбекистон.2001. 27-б

кўйди. Ўзгаришлар давлат ҳокимияти олий органларининг ваколатлари муддатига ҳам тааллуқли бўлди. Маълумки, Советларнинг съездлари битта муддатга сайланган, яъни уларнинг ваколатлари бир марталик чақириқ билан чекланган. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ваколат муддати 4 йилни ташкил этган. 1937 йилги ЎзССР Конституцияси қонунларни қабул қилиш ҳуқуқини фақат республика Олий Советига берди. Ваҳолонки, илгари бу ҳуқуқга ЎзССР Советларининг МИК, МИК Раёсати, шунингдек ХКС эга эди. С.Султонов таъкидлаб ўтганидек, қонун чиқариш ишлари билан шуғулланиш Ўзбекистон ССР Олий Совети фаолиятининг бош ва асосий соҳаси ҳисобланади.¹

Ўзбекистон қонун чиқарувчи органи фаолиятини 1937 йилги ЎзССР Конституцияси нуқтаи назаридан кўриб чиқар эканмиз, шуни таъкидлаш зарурки, бу давр Конституция нормаларидан жиддий оғишларга ҳамда ҳатто расман эълон қилинган "совет" демократиясини анчагина чеклаб қўйишларга бой бўлди. Бу шунда акс этардики, Олий Совет сессиялари белгиланган муддатда чақирилмасди, республика Олий Советига сайловлар вақти кўчиралаверарди. Ўзбекистоннинг давлат бюджетлари ва улар юзасидан ҳисоботлар ўз вақтида кўриб чиқилмасди.

1978 йилги ЎзССР Конституцияси билан белгилаб қўйилган республика Олий Советининг ҳуқуқий ҳолати муайян қизиқиш уйғотади. Бунда Олий Советга Ўзбекистон ССР тасарруфига киритилган барча масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳуқуқий ваколатлар берилган (101-модда). Олий Совет илгаригидек ўз фаолиятида аввало қонунчалик вазифаларини рўёбга чиқариши лозим бўлган республика давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланган. ЎзССР Олий Советининг 500 кишига қадар кўпайтирилган депутатлари сайловчилар сони тенг бўлган сайлов округлари бўйича сайланганлар (104-модда). Олий Советнинг сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек, улар оралиғида ўтказиладиган ЎзССР Олий Совети кўмиталари ва комиссияларининг мажлисларидан иборат бўлиши ҳам конституциявий

¹ Султанов С. Верховный Совет Узбекской ССР. — Т.: Госиздат УзССР. 1959. 28-6.

янгилик бўлди (105-модда).

1978 йилги Конституцияга биноан республика Олий Советининг йил чоракларига бўлинган режалар асосида ишловчи ва ойига тахминан бир марта мажлис ўтказадиган Раёсати ҳукукий меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича катта иш олиб бориши керак эди. Бунда Конституцияда белгилаб қўйилганига кўра бир қатор масалаларни Раёсат узил-кесил ҳал қилишга, баъзиларини эса кейинчалик республика Олий Совети тасдиғига тақдим этиш шарти билан ҳал қилишга ваколатли бўлган.

Олий Совет фаолиятининг амалиётини 1978 йилги ЎзССР Конституцияси нуқтаи назардан таҳлил этиш Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи ҳамон давлат қурилишининг энг муҳим масалаларини ҳал қила олмас эди ва расман федератив, амалда эса унитар давлат бўлган СССР маъмурий бўлинмасининг ратификация қилувчи ва тарғиботчи органи бўлиб қолаверди, деб қайд этиш имкониятини беради. Ўзининг амал қилиши йилларида 1978 йилги ЎзССР Конституциясининг бир қанча қоидалари мавжуд аҳволга кўп жиҳатдан тўғри келмас эди: тантанавор эълон қилинган демократик тамойиллар ортида авторитаризм, субъективизм ва волонтаризм турар эди¹.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий ҳокимият органининг ташкил топиш ва ривожланишидаги кўриб чиқиладиган давр (1924 — 1990 йиллар) бутун собиқ СССР учун мураккаб ва зиддиятли, муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлди.

Бу социализмни ривожлантириш йўллари қидиришда давом этган ва катта хатоликларга йўл қўйилган давр эди. Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида раҳбарликнинг қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик усули тўла қарор топаётган эди. У жамиятнинг демократик институтлари моҳиятини маънисизлаштирган, фуқароларнинг сиёсий лоқайд бўлиб қолишига, қонунсизлик ва зўравонликка кўмаклашган давр бўлди. Россиялик

¹ Султонов С.А. Органы государственной власти Республики Узбекистан. Становление к основные этапы развития (1917 — 1937 г.г.): Автореф. дис. докт. юрид. наук — Т.: 1994. 3-б.

олим, академик В.С.Нерсисянц қайд этиб ўтган эдики, турмушнинг барча соҳаларида қаттиқ марказлаштириш, маъмурий-сиёсий тизимнинг барча бўғинларидаги ғавқулодда ваколатлар, бошқарувнинг жазолаш-буйруқ беришга асосланган нормалари ва усуллари етакчи ўрин тутган. Конституциявий ва жорий қонун ҳужжатларида тантанали равишда эълон қилинган демократик қоидалар давлат-ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўзининг чин ва монанд маъно-мазмунидан маҳрум этилган, уйдирмага, ҳақиқий воқеликни яшириб турувчи ялтироқ ниқобга айлантирилган эди.¹

¹ Социалистическое правовое государство; концепция и пути реализации. (Огв. ред. Нерсисянц В.С.). - М.: Юрид. лит. 1990. 27-6.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ – ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши жараёнида мустақил парламент институти – Олий Мажлисни ташкил этишнинг тарихий зарурияти

Қонун чиқарувчи олий орган шаклланиши ва ривожланиши тарихининг олдинги бобда қилинган таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида том маънодаги қонун чиқарувчи корпус, парламент ҳеч қачон бўлмаган. Назария ва амалиётда қонун чиқарувчи тизимнинг содда, кенг образи шаклланган бўлиб, бунда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалда адо этиш Олий Советнинг фаол иши билан эмас, балки партия аппаратининг фаолияти билан уйғунлаштирилган эди. Сиёсий тизим ўн йиллар мобайнида ижтимоий ҳаётни демократик қонунлар доирасида ташкил этишга эмас, балки, асосан, ўзбошимча фармойишлар ва кўрсатмаларни бажаришга мослаштирилган эди. Демократик сиёсий тизимларнинг негизи эса эркин сайланадиган парламентларни шакллантиришдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда ҳокимиятнинг тармоқларга бўлинишини кафолатловчи янги Конституция ва қонунларни қабул қилишдан иборатдир.

Вакилликнинг советларга хос кўринишининг сиёсий эволюцияси, гарчанд бу ҳол асосан унинг фаолият шакллари ва моҳиятини демократлаштириш йўли билан амалга оширилган бўлсада, саксонинчи йиллар охиридаги сиёсий ислохотдан сўнг парламент шаклига айлана бошлади. Россиялик олим Ю.А.Тихомиров ўша даврга таъриф бериб ёзган эдики, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш қонунларнинг асосий ғоясига айланди, айниқса ССР Иттифоқи даражасида қонун ҳужжатларини кенг миқёсда янгилаш ва ривожлантириш даври бошланди, ўнлаб янги қонунлар қабул қилинди, шунингдек мазкур жараён аста-секин иттифокдош республикаларга ҳам

ёйилди.¹ Бироқ грузин тадқиқотчиси Г.Мучаидзе тўғри таъкидлаганидек, совет иттифоқида амалга оширилган саксонинчи йилларнинг ислохотлари социализм тўғрисидаги янглиш тасаввурлар доирасидан четга чиққани йўқ, улар коммунистик тузумнинг кулашини тезлаштирди, холос.²

Қайта қуриш жараёнларида кўтарилган демократик ғоялар тўлқини собиқ Иттифок республикалари бўйлаб тарқалди. Социалистик ғоялар ва коммунистик ақидалар шубҳа остига қўйила бошланди, маъмурий тизимнинг обрўсига кескин путур етди. Жамиятда ваколатли парламентсиз тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмас, деган қатъий ҳақиқат қарор топа бошлади.

Бироқ саксонинчи йиллар охири ва тўқсонинчи йиллар бошидаги сиёсий вазиятни таҳлил қилиш асосида ўша даврдаги айрим гўёки демократик янгиланишлар, ўзгаришларга марказнинг ҳаракатини “чўкаётган кемани” кутқариш бўйича охирги нажот ҳаракати деб баҳолаш мумкин. Зеро гўёки демократик янгиланишлар замирида эски тузумни асраб қолиш, мустақилликка интилаётган давлатларни яна иттифок исканжаси домига тортиш сиёсати ётар эди.

1978 йилги (Конституция янги Олий Советни Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг доимий ишлаб турувчи конун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат органи сифатида белгилаб қўйган эди. Олий Советнинг доимий иши унинг мажлислари билан, шунингдек улар оралиғида ўтказиладиган Олий Совет доимий ва бошқа комиссияларининг мажлислари билан таъминланган.

Олий Кенгашнинг доимий ишлаб турувчи орган сифатидаги янги мақоми унинг фаолияти ташкъл этилишини тубдан ўзгартиришни зарур қилиб қўйди. Олий Кенгашга сайланган депутатлар муайян муддатгагина эмас, балки уларнинг бутун ваколат даврига хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкинлиги тўғрисидаги конституциявий қоида ҳам шу билан боғлиқ. Олий Кенгаш аъзоларининг қайси қисми Олий Кенгашдаги доимий ишга тўлиқ жалб этилиши кераклигини амалиёт

¹Тихомиров Ю.А. Российское законодательство: проблемы и перспективы. - М.: Бек. 1995. 439-6.

² Мучаидзе Г, Альтернатива (Перспектива развития посткоммунистического общества с точки зрения социал-демократов). - Тбилиси, 1995. 6-6.

кўрсатди.

Шу тариқа, Ўзбекистон тарихида биринчи марта доимий ишлаб турувчи депутатларга, яъни профессионал депутатларга эга бўлган вакиллик органи таркиб топди. Шу муносабат билан Олий Кенгашнинг ўз вазифаларини бажаришдаги имкониятлари анча кенгайди.

Аста-секин депутатларнинг Олий Кенгаш сессияларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш билан бошиқ масалаларни тайёрлашдаги иштироки кучайди. Сессиялар аввал бўлганидек, Олий Кенгаш аппаратининг кучлари билангина эмас, балки депутатларнинг кенг иштирокда тайёрлана бошлади. Жумладан, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг навбатдаги саккизинчи сессияси арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 28 ноябрдаги қарори билан барча тайёргарлик тадбирларини ўтказиш сессия кун тартиби, унинг ишчи органлари таркиби, қонун лойиҳаларини тайёрлаш тартиби ва муддатлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек депутатларни кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш, жўнатиш, мажлислар залини тайёрлаш билан боғлиқ барча ташкилий-хўжалик масалаларини ҳал эташ учун 21 нафар депутатдан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилди¹. Бундай амалиёт такомиллаштирила бошланди ва депутатлар фаоллигини анча ошириш имкониятини берди. Масалан, ўн учинчи сессияга тайёргарлик кўриш сайтида ишчи гуруҳи энди 41 нафар депутатдан иборат бўлган.²

Олий Кенгаш Раёсатини шакллантиришга, унинг тутган ўрни ва ролига янги нуқгаи назардан ёндашилди. Олий Кенгаш ишининг ташкил этилишини таъминлаш унинг бош вазифасига айланди. Янги Раёсатнинг аввалгисидан энг муҳим фарқи шундан иборат эдики, унга қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, норматив фармонлар чиқариш, сессиялар оралиғидаги даврда, илгари назарда тутилганидек, бир қатор масалалар юзасидан Олий Кенгашнинг ишини қилиш ҳуқуқи берилмаган эди. Шу аснода, Олий Кенгашнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. №5 1, 109

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. № 7. 29 - 31-б.

ваколатлари мустаҳкамроқ кафолатланди. Масалан, Олий Кенгаш Раёсатининг ишини ташкил этиш Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар, 1990 — 1991 йиллар оралиғидаги даврда бу орган 30 тадан зиёд мажлис ўтказганини кўрсатади. Ана шу мажлисларда сессияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган, кўмиталарда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тadbирлар ва бошқа масалалар муҳокама қидинган.

Олий Кенгаш кўмиталаришшг роли анча ошган.¹ Масалан, 1990 — 1991 йиллардагина кўмиталар томонидан 142 та мажлис ўтказилиб, уларда 490 тадан зиёд масала кўриб чиқилган.² Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан кўмиталар тавсия хусусиятига эга бўлган қарорлар қабул қилганлар ва қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар берганлар. Кўмиталарнинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятига кўпгина янгиликлар киритилган. Кўмиталар ишининг самарадорлигини оширишда уларга "Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мандат комиссияси ва кўмиталари тўғрисида"ги Қонун билан берилган кенг ҳуқуқлар муҳим аҳамиятга эга бўлди³.

Қонун ҳужжатларини ва Олий Кенгаш кўмиталарининг иш ама-лиетини таҳлил этиш уларнинг фаолиятини тўртта асосий йўналиш бўйича гуруҳлаш имкониятини беради. Булар: 1) қонунларнинг ва бошқа норматав ҳужжатларшшг лойиҳаларини тайёрлаш; 2) Олий Кенгашга ҳисобдор давлат органлари устидан ва қабул қилинаётган қонунларнинг амал қилиш самарадорлиги устидан назоратни амалга ошириш; 3) Олий Кенгаш тасарруфига кирувчи масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва тайёрлаш; 4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Кенгаш томонидан қабул қилинаётган бошқа норматив ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш.

¹ Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Олий Кенгашнинг 16 та доимий комиссияси тузилган эди. Иккинчи сессиядаёқ улар (Мандат комиссияси бунпан мустасно) кўмиталарга айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990. № 10 — П.17-6; № 16 - 18. 72 -73-6.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг архиви. 1991. 7358-сон . 240-6.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991.№ 8. 129 - 138-6

Умуман олганда, бутун сиёсий тизимда бўлгани сингари, қонун чиқарувчи органлари таркибий ва бошқа чуқур ўзгаришлар ўз умрини яшаб бўлган маъмурий-буйруқбозлик усулларига қарши самаралироқ кураш олиб бориш, партия ва давлат органларининг вазифаларини аниқроқ чегаралаб қўйиш, ижтимоий ҳаётни демократия асосида ташкил этишга босқичма-босқич ўтиш имкониятини берди. Бунда Олий Кенгаш ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан ажралган ва ўз сайловчиларидан узилиб қолган маҳдуд тузилмага айланиб қолгани йўқ.

Ўзбекистон Олий Кенгашига қонун чиқариш ишларини амалга оширишда кенгроқ имкониятлар берилди. Демократик давлатни шакллантириш юзасидан қўйилган вазифа жамиятда қонунлар устунлигини қарор топтиришни, партия ва ижро этувчи-фармойиш берувчи органларнинг ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш борасидаги фаолият доирасини торайтириш ҳисобига ижтимоий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш соҳасини кенгайтиришни тақозо этарди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессияси 1990 йил март ойида Ўзбекистон Конституциясига ўзгартишлар киритди, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини таъсис этди ва мамлакатимиз тарихидаги биринчи Президент - И.А.Каримовни сайлади.¹ Ўзбекистонда президент ҳокимиятини жорий этиш зарурлиги Ш.З.Ўразаев томонидан асослаб берилган бўлиб, унинг қуйидаги фикри муайян қизиқиш уйғотади: "Президент лавозимини таъсис этишда президент ҳокимиятининг зарурлиги вазиятнинг мураккаблиги билан ҳам ижро этувчи ҳокимиятга кучайтириш, уни қонун чиқарувчи ҳокимият билан бирлаштириш зарурлиги билан ҳам, жамиятни жипслаштириш, жамият мухтож бўлган самарали чораларни кўриш зарурлиги билан ҳам асосланган".²

Ш.З.Ўразаевнинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қилиш керакки, Ўзбекистон собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990.- № 7.14 ва 15-6.

² Уразаев Ш.З. Модель закона: какой ей быть? — Т.: Фан. 1990. 47-6

бўлиб президентлик институтини жорий этди. Бу совет тоталитар тузумининг парчаланиши ва Ўзбекистон мустақилликка эришиши йўлида муҳим қадам бўлди. Шуниси ҳам борки, бу ана шу чинахам тарихий воқеанинг барча қатнашчиларидан, аввало Президентнинг ўзидан зўр матонат талаб қиладиган дадил қадам бўлди. Негаки, ўша даврда республика энг забардаст давлатлардан бири бўлмиш СССР таркибида эди. Президентлик ҳокимиятини таъсис этишда биринчилик Ўзбекистонга тегишли эди. Таъкидлаб ўтиш жоизки ушбу республика ҳаёти учун муҳим тарихий қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг шу даврдаги қонунчилик ҳокимияти Олий Совет фаолиятида давлат ҳаётига оид ўта муҳим қарорларни мустақил тарзда ҳал қилиш борасида муҳим янгилик бўлди ва Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёт йўлини белгилашда тарихий бурилиш ясади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу даврда Олий Советнинг фаолиятига оид масалаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Биринчидан, Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнда давлат суверенитетининг энг муҳим принциплари мустаҳкамлаб қўйилган Мустақиллик декларациясини қабул қилиб, Ўзбекистон халқ учун ғоят муҳим қадамни қўйди. Воқеаларнинг кейинги ривожини Ўзбекистон тутган йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади. Марказдан бирон-бир кўрсатма бўлишига умид борламасдан, мўлжалланаётган иттифоқ шартномасида мустақиллик қачон ва қандай мустаҳкамлаб қўйилишини кутиб ўтирмасдан, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги амалда рўёбга чиқарила бошланди ва бу жараёнда Олий Совет мустақиллик асосларини белгиловчи ҳуқуқий асосларни қабул қилишдек муҳим вазифаларни бажарди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда вакиллик демократияси эндигина шаклланаётган эди. Янги парламент тизимининг оёққа туриш жараёни кечаётган бир паллада кўппартиялилик ҳали мавжуд эмас эди. Шу сабабли аксарият ҳолларда жамоатчиликнинг фикри сиёсий воситачиликсиз қонун ижодкорлигига бевосита ўз таъсирини ўтказар ва унинг хусусияту кўламлари

ўзгача бўлар эди. Қонун ҳужжатлари фуқароларнинг айрим гуруҳлари ўз фикрларини митинглар ва намоёишлар, ультиматумлар йўли билан билдирган, шу зайл давлат ҳокимияти органларига бевосита таъсир ўтказишга ҳаракат қилган, сиёсий эҳтирослар жунбушга келган бир вазиятда қабул қилинган ҳоллар ҳам бўдди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларнинг бошида беқарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир даврда ҳар хил муттаҳамлар сиёсат майдонига чиқиб келдилар ва уларнинг мақсадлари фақат бузиш, емириш, бақир-чақир, шовқин-сурон солишдан иборат бўлганди.¹ Баъзан қонун чиқарувчиларга "кўча" томондан қилинган тазйиқ гуруҳларнинг хусусий манфаатлари фойдасига биртомонлама қарорлар қабул қилинишига олиб келди. Қонун яратиш ишига бундай ёндашув эса ижтимоий ва сиёсий ихтилофлар манбаидир. Гўё ҳамма демократияни ёқлар эди. Аммо демократлаштириш жараёни тобора амалий тус ола бошлагач, жамият-нинг барча қатламларига, ҳар бир шахс қалбига сингиб боргани сари узокни кўзламаган, тор доирадаги манфаатлар, ҳатто айрим шахслар ва гуруҳларнинг худбин истаклари билан бутун жамият манфаатлари ўртасидаги тафовутлар кўзга ташланиб қолди.

Учинчидан, депутатлар орасида ҳам ашаддий амалпарастлар, ўнгда ҳам, тушида ҳам ҳокимиятга талпинадиганлар чиқиб қолди, улар мақсадга эришиш учун Олий Кенгаш билан Ўзбекистон Президенти ўртасида жанжал уруғини сепишга уринди. Ёнг қалтис лаҳзаларда депутатларнинг аксарият кўпчилиги Президент атрофида жипслашдилар ва хомтама бўлиб юрганларга зарба бердилар. Лекин айрим депутатлар моҳирлик билан панага ўтиб, қиёфаларини моҳирлик билан ўзгартириб, демократак пшорларни ниқоб қилиб олиб, ҳуқуқий плюрализмни ҳуқуқий бошбошдоқликка айлантириб, маълум муддатгача ўз ҳамкасбларининг ижодвий фикр-ўйларини бўғиб, амалий ишлардан четга тортиб келдилар. Улар очик-ойдинлик, ошкоралиқдан ўзларининг тор доирадаги худбин мақсадларига эришиш йўлида бир неча бор фойдаланишга уриндилар.

¹ Каримов И.А. Биз келажэгизмизни ўз қўлимиз билан қураимиз, Т. 7. — Т.: Ўзбекистон.1999. 362-6.

Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солар экан, қонун чиқарувчи муқаррар равишда ўша давр учун Ҳақулодда мураккаб муаммога - ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўртасидаги, шахсий ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги нисбатни белгилаш муаммосига дуч келди. Зеро, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг олдида турган энг муҳим вазифа - қонунларни чуқур демократик мазмун билан бойитиш, шахснинг тўла эркин бўлиши йўлидаги барча ясама, сунъий тўсиқларни олиб ташлашдан иборат эди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида умумий қабул қилинган халқаро андозаларга мос келадиган янги қонун ҳужжатларининг бутун бир туркумини ишлаб чиқиш керак эди. Бу вазифани рўёбга чиқариш қийин шароитларда кечди. Негаки, маъмурий-буйруқбозлик тизимини буза туриб ва талай аввалги тузумни бекор қилган ҳолда бу вақтга келиб Ўзбекистонда демократик жамиятга муносиб янги тизим яратилмаган эди. Бундай шароитда Олий Кенгаш зиммасида ушбу масалаларни ҳал қилиш бўйича катта масъулият ётарди.

Олтинчидан, Ўзбекистонда суверен ҳокимиятнинг мустақамланиш жараёнига 1991 йил 18 — 21 август воқеалари ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Ўшанда бутун СССР ҳудудида Ҳақулодда ҳолат жорий этилган, давлат ҳокимиятини эса ўзини ўзи эълон қилган Ҳақулодда ҳолат бўйича давлат комитети (ГКЧП) эгаллаб олишга уринган эди. Бундай шароитда СССРнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётида янги ўзгаришларни эътиборга олиб, халқаро нормаларда назарда тутилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон халқининг тақдирини учун масъулиятни англаган ҳолда Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида баёнот билан чиқди. Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари тарихий олтинчи сессиясида қабул қилган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги қарори билан мазкур баёнотни тасдиқлади.¹ Ўша куниёқ, 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш "Ўзбекистон Республикациясинг давлат мустақиллиги асослари

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. № 11. 12- 13-б.

тўғрисида" Қонун қабул қилди. Бу Қонун Олий Кенгашнинг етинчи сессиясида 1991 йил 30 сентябрда Конституциявий қонун мақомини олди.

1991 йил 29 декабрда Олий Кенгаш қарорига биноан ўтказилган Ўзбекистон Президенти умумхалқ сайлови ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича референдум Ўзбекистон мустақиллигининг ташкилий-ҳуқуқий негизини таъминлаш ва мустаҳкамлаш иишда ўта муҳим қадам бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Олий Кенгаш мустақилликка эришиш шароитида ўзига хос сиёсий институт сифатида янги давлатни барпо этишдек тарихий жараёнларда фаол иштирок этди ва мамлакатимизда мустақил давлатнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришдек муҳим вазифани бажарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бежиз шундай демаган: "Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди".¹

1992 йил Олий Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиши билан Конституциянинг "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши" деб номланган бўлимида Олий Мажлис номи билан янги мустақил парламентнинг шаклланиши учун асос яратилди ва 1994 йилда илк бор сайловлар бўлиб ўтди. Президентимиз таъбири билан айтганда эса: "Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жахондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди"²

Шу ўринда янги мустақил парламент сифатида Олий Мажлис аввалги Олий Кенгашдан кўп жиҳатлари билан тубдан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда: "Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бутун мазмун-моҳияти билан фарқ қилади.

¹ Каримов ИА. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашииннинг ўн олтинчи сессиясидаги маъруза. -Т: Ўзбекистон. 1994. 3-6.

² Каримов И.А. Ватан саждагох каби муқаддасдир.. 3-том. -Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 5-бет.

Унинг шаклланишидан тортиб, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва иш усулларигача буни яққол исботлайди”¹.

“Ўзбекистон Олий Мажлисининг Республика аввалги Олий Кенгашидан **биринчи фарқи** шундаки, Олий Мажлис биринчи марта кўппартиявийлик асосида шаклланди.

Ҳар бир сиёсий партиядан сайланган депутатлар Олий Мажлисида партия фракцияларини ташкил этадилар. Ўз партиявий фракцияси орқали сиёсий партиялар Олий Мажлисининг қонун чиқариш фаолиятида таъсирчан катнашиб, шу тариқа давлат бошқарувига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эга бўладилар.

Республика Олий Мажлисининг аввалги Олий Кенгашдан **иккинчи фарқи** шундаки, Олий Мажлис депутатларини шакллантириш собиқ Олий Кенгашни синфий принцип асосида сони ва ўрнини аввалдан кўрсатиб шаклланишидан бутунлай фарқ қилиб, ҳозирда мавжуд сиёсий партия вакилларида иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг аввалги Олий Кенгашдан **учинчи фарқи** шундаки, Олий Мажлис таркибидаги депутатларнинг маълум бир қисми Олий Мажлис тузилмалари ва унинг қўмиталарида доимий ишлашга жалб этилади.

Олий Мажлисининг яна бир муҳим фарқли жиҳати шундаки, Олий Мажлис Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсат олиб бораётганлигини қонунчилик даражасида ифодалаб беради. Олий Мажлисининг ўзи, масалан, 1992 йилда Парламентлараро Иттифокқа аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, у Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)нинг Парламент ассамблеяси аъзосидир. Олий Мажлис Ўзбекистоннинг жаҳондаги барча парламентлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўз ҳузурида махсус Парламентлараро алоқалар қўмитасини ташкил қилди”².

Хулоса қилиб айтганда, қонун чиқарувчи органнинг сиёсий тизимни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қарор топтириш

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996. 19-бет.

² Одиқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2002. 96 – 97 – бетлар.

шароитидаги фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда парламентаризмга асос солган институт вужудга келтирилди, амалда мамлакат давлат тузишнинг пойдевори бўлган қонунчилик базаси яратилди, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нормаларига ва Ўзбекистон халқининг табиатига мос сиёсий тузумни, мамлакатда фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликнинг кафилига айланган тузумни изчил барпо этиш жараёни бошланди.

2.2. Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш ва давлат ҳокимиятини ислоҳ этиш жараёнида икки палатали парламентни шакллантиришнинг тарихий аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари давомида миллий умуминсоний қадриятлар ва бой тарихий давлатчилик тажрибалари асосида ўзига хос ривожланиш йўли танлаб олинди. Шу асосда давлат-ҳуқуқий амалиётида жаҳон давлатчилигининг бой тажрибасидан унумли фойдаланилиб ҳокимиятнинг бўлиниши принципларига мос давлат органлари тизими шакллантирилди. Мустақилликнинг дастлабки даврларида мамлакатимизда бир палатали парламент – Олий Мажлиснинг ташкил этилишини ўша давр учун зарурий ҳолат деб билишимиз, шу тарихий даврда қабул қилинган тўғри йўл сифатида баҳолашимиз мумкин. 1995 йилдан то 2000 йилга қадар Олий Мажлис томонидан фундаментал хусусиятга эга бўлган 10 та кодекс, 2 та Миллий дастур, 138 та қарор ва турли йўналишлардаги 468 та қонун қабул қилинди. Бу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёти учун ўзига хос асос вазифасини ўтади¹.

Бизга маълумки, мамлакатимизда 1991 йилдан кейин давлат ҳокимиятининг амалга ошириш принципларида энг катта конституциявий ислоҳотлар 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум натижасида амалга оширилди.

2000 йил 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, иккинчи сессиясида Конституциямизнинг 83-моддасида белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириб: "Бизнинг жамиятимиз тез суръатлар билан ўзгарапти. Одамлар маънавий улғайиши йўлида илдам қадам ташлаяпти. Бу узоқни кўзлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир. Шунинг яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий

¹ Анорбоев А.Б., Йўлдошев А.А. Ўзбек парламенти: тараққиёт, босқичлари; келажакка назар. – Тошкент: 2002 – 75-бет.

ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифни киритмоқчиман яъни, биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб, ташкил этишимиз лозим. Бунда қуйи палата – Олий Мажлис партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Сиёсий партиялар ва аҳоли йиғилишлари унга ўз вакилларини ўтказди, улар парламентда доимий равишда ишлайди. Юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади"¹- деган таклифлари ва Олий Мажлис палаталарининг қай тартибда фаолият юритиши тўғрисидаги асослари депутатларнинг муҳокамасига киритилди.

Шундан сўнг бу таклиф юзасидан, депутатларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилиб, 2001 йил 6 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ, еттинчи сессиясида депутатлар бир овоздан Ўзбекистон халқининг фикрини аниқлаш мақсадида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди, 2002 йил 27 январ кунини умумхалқ референдуми куни деб эълон қилди. Референдумда овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилди;²

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси Парламентини икки палатали қилиб, сайланишига розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб, ўзгартиришга розимисиз?

Ўзбекистон халқи, Олий Мажлис ва Президент фаолиятини такомиллаштиришни бир овоздан тасдиқлади¹.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи

¹ Каримов И.А.; "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.- Т.: Ўзбекистон, 2000..484-б.

² "Халқ сўзи" 2001 йил 7 декабр.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б 330-351.

асосида, давлат органлари тизими ва улар фаолиятининг ташкил этилиш тамойиллари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси Палаталари ваколатлари мажбуриятлари, вазифаларини ва бунинг баробарида бошқа давлат органлари тизимидаги фаолият йўналишларини ўзида белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ, саккизинчи сессиясида, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонунни қабул қабул қилиниши ва ундан кейин Конституция ва тегишли қонунларни қабул қилиш ёки ўзгартириш, тузатишлар киритиш тартибининг белгиланганлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида турган мақсадни режа асосда мукаммаллигини таъминланган ҳолда, амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб берди.

Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳаётида давлат бошқарувини амалга оширилиши борасида янги туб ислохотларни бошлаб берди. Шундай қилиб, мамлакатда давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолият юритиш принципларига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш заруриятининг пайдо бўлиши жамиятнинг ривожланишида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий ислохотларнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланади.

Парламент ислохотларининг асосий омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ҳозирги даврга қадар депутатлар доимий асосда ишлашлари учун объектив шароитлар мавжуд эмас эди. Бугунги кунда профессионал парламентга ўтиш учун сиёсий-ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар вужудга келди;
- профессионал асосда фаолият кўрсатишга тайёр сиёсатчи, ҳуқуқшунос ва қонун ижодкорларининг тегишли касбий тайёргарликка эга етарли қатлами шаклланди;
- хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий парламентчилик анъаналари, қонунларни қабул қилиш услублари шаклланди;

- кўппартиявийлик тизим шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси парламент тараққиётга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотларда ташкилий ва марказий ўрин тутди. Шунинг учун мамлакатимиз тараққиётининг пойдеворини яратувчиси парламент ислохотларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- парламентни шакллантириш тартибини янгилаш (сайлов тизими ва сайлов ҳукуқи);
- қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш;
- давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг тутган ўрни ва (ваколатлари доираси) жамиятдаги сиёсий ролини ошириш.

Биринчи гуруҳ - парламент ислохотларини қуйидаги тартибда амалга оширилди:

- сайловлар муқобиллик асосида;
- сайловлар кўппартиявийлик асосида;
- парламент аъзоларининг касбий ихтисослаштирилиши(қўмиталарга бўлиниши) ;
- партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари.

Иккинчи гуруҳ парламент ислохотлари – қонунчилик жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб:

- миллийликка хос ички ташкилий тузилиши;
- масалаларни муҳокама қилишда мафкуравий баҳс-мунозаралардан воз кечган ҳолда, вакиллик ва қонунчилик принципларига таянилди;
- парламентаризмнинг миллий урф- одатлари шакллантирилди.

Жамият манфаатларининг ифодачиси бўлмиш парламент аҳолининг турли ижтимоий қатламлари гуруҳларининг вакилларида ташкил топади. Дунёдаги барча демократик давлатларнинг парламентлари ўз мамлакатларида муҳим ижтимоий вазифа-вакиллик функцияси асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент ислохотлари учун шарт-шароитларнинг вужудга келганлигини қуйидаги ижтимоий ҳолатидан ўрганиш мумкин:

- профессионал корпус-юқори малакали сиёсатшунослар, иқтисодчи, ҳуқуқшунос мутахассислар етишиб чиқди;
- аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг ўсиши сайлов институтининг такомиллаштириш заруриятини яратди;
- сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари шаклланди;
- бошқарувнинг эски тоталитар элементлардан ҳалос бўлинди;
- жаҳон давлатчилиқ тажрибалари назарий ва амалий жиҳатдан тўлиқ ўрганилди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларини инобатга олиб чет мамлакатлар тажрибасидан парламент ишининг самарадорлигини ошириш эҳтиёжларини ўрганиш асосида икки палатали парламентнинг тегишли қонунчилик негизини шакллантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг янги босқичининг бошланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида белгиланган устувор ғоялар ва вазифалар муҳим ўрин тутади. Хусусан, Президент И.А.Каримов томонидан ушбу концепция доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган демократик ўзгаришлар бўйича таклифлар берар экан, ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги таъсири ва ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан Президент И.А.Каримов қуйидаги таклифларни илгари суради:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимиغا номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади¹. Ушбу таклифлар 2011 йилда конституцияга киритилган нормалар асосида ўз ўрнига эга бўлди.

Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилган парламент ислохотлари:

- парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш;
- қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш;
- қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини ошириш;

¹ Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон” 2010. Б-11-13.

- жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти”га ўтишнинг мустаҳкам қонуний асосларини яратишдир.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш, мустақил ташқи сиёсат билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этиш принципларининг амалга оширилиши қисқа даврда тўлиқ шакллантирилганлиги диққатга сазовордир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ўзининг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаб олган экан бу борада қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг ҳақиқий маънодаги халқ вакиллигининг ифодачиси сифатидаги ўрни, роли ва таъсирини ошириб бориши кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса мамлакатимизда парламент институтининг тарихий ривожланиши ва тараққий этиши жараёни билан боғлиқ масалаларни илмий назарий жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимига ўтиш мамлакатимиз учун янги ҳуқуқий-сиёсий институт – Қонунчилик палатаси ва юқори палата – Сенатдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантиришга имкон берди. Парламент қонун чиқарувчи функцияларга эга бўлган мумтоз, умуммиллий ҳамда вакиллик органи бўлиб қолди. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида шундай деган эди; ”Икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад; биринчи-парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш: иккинчи- Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш: учинчи - Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш: тўртинчи- аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш. Айнан шу мақсад юқори палата – Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам мужассам. Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш

борасида узоқни кўзлайдиган “Кучли давлатдан- кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилни ўзида ифода этади.”¹

Мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар тажрибаси кўпгина демократик кадриятлар кундалик ҳаётимиздан анча мустаҳкам ўрин олганлигини ва унинг ажралмас қисми бўлиб қолганлигини, парламент фаолияти соҳасида қизиқарли ва фойдали тажриба тўпланганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон парламенти унинг обрўи ва самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан қай тарзда ва қайси йўналишда ривожланиб бориши кераклиги масаласи ҳозир ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Давлат қурилишининг мана шу ғоят муҳим йўналишида янгича ёндашув ва ғояларни излашдан тўхтаб қолиш мумкин эмас. Аксинча, бу иш фаоллашган тақдирдагина мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-демократик ўзгаришлар ва бозор ўзгаришларининг қонунчилик негизини ривожлантиришда ҳақиқий муваффақиятга умид қилиш мумкин бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб малакавий битирув иши юзасидан қуйидаги хулоса чиқариш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ривожланиши асосан вакиллик институти сифатида қарор топиши Чор Россияси ва кейинги инқилоб давридан кейин шакллана бошлади;

Иккинчидан, Тоталитар тузум шароитида совет ҳукумати гўёки миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши тўғрисидаги ғояларни илгари сурган бўлсада, аслида реал миллий вакиллик институтини қарор топтириш учун ҳеч қандай имконият яратилмаган эди;

Учинчидан, мамлакатимизда ҳақиқий парламентаризм анъаналари фақатгина Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг юзага келди;

Тўртинчидан, даставвал мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий ҳолатни инобатга олган ҳолда бир палатали Олий Мажлис ташкил топди ва 2004

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз —жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.-Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қышма мажлисидаги маърузаси. Т.Ўзбекистон. 2005. 36-37-б

йилга қадар мамлакатимизда қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи ва вакиллик институти вазифасини ўтди. Ушбу даврда бир палатали парламент томонидан мамлакатимизнинг мустақиллик асосларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий асослар шакллантирилиши билан бир қаторда ҳақиқий кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши ва ривожланиши учун замин яратилди. Ушбу даврда 1994, 1999 йилларда бўлиб ўтган сайловлар демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтди.

Бешинчидан, Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида профессионал парламент институтини шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилди ва референдум асосида бу масала ижобий ҳал қилинди. 2004 йилда илк маротаба Ўзбекистонда юқори палата Сенат ва қуйи Қонунчилик палатасидан иборат икки палатали парламент тизими қарор топди. Икки палатали парламентнинг қарор топиши ўз навбатида парламент олдида янги вазифаларни қўйди ва мамлакатни кейинги тараққиёт босқичида парламентнинг ўрни ва аҳамиятининг ўсишига олиб келди;

Олтинчидан, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га асосан Ўзбекистонда парламентнинг давлат қарорларини қабул қилишдаги ўрнини ошириш, парламентнинг ижро ҳокимиятининг устидан парламент назоратини кучайтиришнинг муҳим устувор йўналишлари белгиланди ва 2011 йилда ушбу вазифалар Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилди;

Еттинчидан, парламент тараққиётидаги юқоридаги тараққиёт босқичлар ўз навбатида маълум бир тарихий воқеликлар, тарихий ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, фикримизча мамлакатимизда ушбу жараёнлар билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, малакавий битирув иши доирасида

олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида қуйидагиларни таклиф қилган бўлар эдик:

- 1) Мамлакатимизнинг тарихий адабиётларининг таҳлили айнан Ўзбекистонда парламент институтининг тарихий қарор топиши ва ривожланишига оид яхлит манбанинг йўқлигидан далолат беради ва фикримизча ушбу борада илмий ишларни кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий органнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўз ичига олган яхлит адабиётни яратиш зарур;
- 2) Мамлакатимизда парламент институтининг тарихий ривожланиши билан боғлиқ мавзуларни ўтишда, фикримизча, уни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчи босқич — бу органнинг 1917—1924 йиллардаги ташкил топиши ва ривожланиши даври. Бу босқич Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиши амалга оширилиши билан ниҳоясига етди;

Иккинчи босқич — 1924— 1990-йиллардаги давр. Бу босқич Ўзбекистон халқи миллий мустақилликка эга бўлганидан кейин ниҳоясига етди.

Учинчи босқич- 1991-1994 йиллар яъни мамлакатимизда бир палатали парламент – Олий Мажлис ташкил этилганга қадар Олий Советнинг фаолият олиб борган даври;

Тўртинчи давр -1994 -2004 йиллар, мустақил парламентимиз Олий Мажлиснинг бир палатали тизим шаклида фаолият олиб борган даври;

Бешинчи босқич – 2004 –даврдан ҳозирги даврга қадар яъни икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши даври.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов ИА. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясидаги маъруза. -Т: Ўзбекистон. 1994. 3-6.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль. Т.: Ўзбекистон. 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 293-6.
4. Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза.- Т.: Ўзбекистон .1999. 8-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда: биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги 1999 йил 14 апрелдаги маъруза. — Т.: Ўзбекистон. 1999. 5-6.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, Т. 7. — Т.: Ўзбекистон.1999. 362-6.
7. Каримов И.А.; "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т.8.- Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б484.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.Ўзбекистон. 2005. 36-37-б
9. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Адабиётлар

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. –Т.: Маънавият, 2000
2. Агзамходжаев А, Образование и развитие Узбекской ССР. — Т.: Фан.1971.
3. Анорбоев А.Б., Йўлдошев А.А. Ўзбек парламенти: тараққиёт, босқичлари; келажакка назар. – Тошкент: 2002.
4. Васихова М. Законодательная деятельность Узбекской ССР - Т.: Узбекистан. 1973. 11-6.
5. Ерметов А. Туркистон АССРда совет давлат бошқарувининг ўрнатилиши ва мустақамланишида милиция органларининг ўрни (1917-1924 йиллар). –Т., 2010.
6. История Узбекской ССР. Т. 2. - Т.: Изд-во АН УзССР. 1957.
7. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2007.
8. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920 - 1924гг-). - Т.: Изд-во АН УзССР. 1955.
9. Лукъянов А.И. Развитие законодательства о советских представительных органах власти: (Некоторые вопросы истории, теории и практики). — М.; Юрид. пит. 1978.
10. Муртазаева Р.Ҳ. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. (маърузалар матни) Т.2000.
11. Мучаидзе Г, Альтернатива (Перспектива развития посткоммунистического общества с точки зрения социал-демократов). — Тбилиси, 1995.
12. Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917 - 1937 гг.). - Т.: Изд-во АН УзССР. 1957.
13. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2002.
14. Одилқориев Х.Т., Тультеев И. Икки палатали парламент Т. ИИВ Академияси 2005.
15. Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар

- тарихи (1900-1924 йиллар). –Т., 2011.
- 16.Портнов Б.П., Славин ММ. Становление и развитие конституционного законодательства Советской России 1917-1920 гг. — М.; Наука. 1987.
 17. Парламенты мира: Сб.— М.: Интерпракс. 1991.
 18. Парламентаризм хорижий мамлакатлар тажрибаси. Р.Алимовнинг тахрири остида. -Т.: Шарқ 2005
 19. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй). –Т., 2002.
 20. Ржевский В.А. О юридической природе форм нового содружества независимых государств. // Государство и право. 1992. № 6.
 21. Султонов С.А. Органы государственной власти Республики Узбекистан.Становление к основние этапы развития (1917 — 1937 г.г.): Автореф, дис. докт. юрнд наук —Т.; 1994.
 22. Тихомиров Ю.А Российское законодательство: проблемы и перспекгивы. — М.: Бек. 1995.
 23. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Науч. ред. Р.Я.Раджапова. –Т., 2000.
 24. Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик. Р.Ҳ.Муртазаеванинг умумий тахрири остида. Т.”ЎАЖБНТ” Маркази, 2003.
 - 25.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. –Т., 2000
 - 26.Уразаев Ш.З. Модель закона: какой ей быть? — Т.: Фан. 1990.
 - 27.Хакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. — Т.: Наука. 1965. 49-6.
 - 28.Халилов Э.Ҳ. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи-сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризгга қадар. Т.Ўзбекистон.2001. 27-б
 29. Хакимов М.Х.; Серий Я. М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. — Т.: Узбекистан. 1964.
 - 30.Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими:

шаклланиши, босқичлари ва моҳияти. –Т., 2012.

Диссертация ва авторефератлар

1. Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. -Т., 1998.

2. Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар) Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 2006.

3. Расулова Н. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши:муаммо ва ечимлар (1991-2008 йиллар) тарих фанлари номзодини олиш учун дисс... автореферати. –Т., 2008.

4. Хайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1998.